

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг қабрлари



11:50 / 30.03.2021 2891

Умар розияллоҳу анҳу ҳар доим «Эй Аллоҳ, менга Сенинг йўлингда шаҳодат топишимни насиб этгин ва ўлимимни Расулингнинг шаҳрида қилгин!» деб дуо қилардилар.

Қизлари Ҳафса розияллоҳу анҳо «Бу қандай бўлади?» дердилар. Чунки Мадина тинч, омон шаҳар бўлиб, у ерда ҳеч қандай уруш, қон тўкилиш содир бўлмас эди.

Бу саволга жавобан ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу «Агар Аллоҳ таоло хоҳласа, бу иш бўлади» деб жавоб берардилар.

Аллоҳ таоло Умар розияллоҳу анҳунинг бу дуоларини ижобат қилди ва у киши Мадинада шаҳид этилдилар.

Умар розияллоҳу анҳу Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ёнларига дафн этилишга рухсат сўраш учун ўғилларини юбордилар.

Онамиз «Мен бу жойни ўзим учун кўзлагандим. Энди уни (Умар розияллоҳу анҳуни) ўзимдан устун қўяман» деб, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг ўша ерга дафн этилишларига рухсат берадилар, буни эшитган Умар розияллоҳу анҳу шодланадилар.

Орадан кўп ўтмай улуғ халифа ханжардан етган жароҳат сабабли вафот этадилар ва жанозалари ўқилгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларига дафн этиладилар.

Қабрга ўғиллари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ва Абдурахмон ибн Авф розияллоҳу анҳу тушадилар.

Бу воқеа ҳижрий 23 санада, милодий 644 йилда содир бўлиб, ўшанда улуғ халифанинг ёшлари 63 да эди.



Расмда ўнг тарафдаги қабр оламларга раҳмат қилиб юборилган Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, унинг ёнидаги қабр Пайғамбарлар алайҳимуссаломдан кейин инсониятнинг энг улуғи Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг, унинг ёнидаги, ўртадаги қора пардага яқин турган қабр адолат

бобида султону фуқароларга ибрат, мўминларнинг амири Умар розияллоҳу анҳунинг қабрларидир.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга кўплаб саловоту салом юборсин! Барча саҳобалардан, жумладан, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрати Умар ул-Форуқдан рози бўлсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади